



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ҲУҚУҚИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ ВА МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган қонунчилик ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятини тушунириш, жойларда аҳолини ташвишга солувчи ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш, давлат хизматларининг сифатини ошириш, ўз фаолияти юзасидан жамоатчиликка тизимли равишда маълумотлар тақдим этиш масалаларида адлия органлари ва муассасаларининг роли ва масъулияти сезиларли равишда ошмоқда.

Шу билан бирга, "Янги Ўзбекистон - халқчил ва инсонпарвар давлат" госясини рўйбга чиқариш адлия органлари тизимида маъмурий ислохотларни янада чуқурлаштиришни тақозо қилмоқда.

Давлат хизматларини кўрсатиш ва интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий ҳимояси соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишда тизим имкониятларидан оқилона фойдаланиш, ушбу соҳаларда мувофиқлашган фаолиятни таъминлаш ҳамда мажбур маъмурий тузилмаларнинг яхлит вертикал бошқарувини шакллантириш зарурати юзга келмоқда.

Мамлакатимизда адолат ва ҳуқуқ устуворлигини мустаҳкамлаш, аҳолига профессионал хизмат қилаётган илҳам ва самарали бошқарувни яратиш, декларатив хусусиятга эга вазифаларни бекор қилиш, функцияларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини аниқ белгилаш ва тақрорланишларнинг олдини олиш орқали бюджет маблағларини тежаш ва улاردан оқилона фойдаланиш, шу жумладан, аҳолининг ҳуқуқий муаммоларини ҳал этишда адлия органларининг роли ва масъулиятини янада кучайтириш мақсадида:

1. 2022-2023 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастурини ишлаб чиқишни мувофиқлаштирувчи республика комиссиясининг **Давлат хизматлари агентлиги** ва унинг худудий бошқармалари ҳамда **Интеллектуал мулк агентлиги** ва унинг худудий марказларини вазифа, функция ва ваколатларини **Адлия вазирлигига** (кейинги ўринларда — Вазирлик) ўтказган ҳолда **қўшиб олиш** тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Вазирлик зиммасига қуйдаги қўшимча **вазифалар** юклатилсин:

а) аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш йўналишида:

жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш; ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бартараф этиш ҳисобига тежкор, қулай ва сифатли давлат хизматлари кўрсатилишини таъминлаш;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида, шу жумладан, тегишли ахборот тизимлари, ресурслар ва маълумотлар базаларини жорий этиш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини назорат қилиш ва самарадорлигини баҳолаш;

б) интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий муҳофаза ва ҳимоя қилиш йўналишида:

интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда ихтиролар, товар белгилари, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш;

ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш.

3. Адлия вазирлиги фаолияти самарадорлигини янада ошириш ҳамда рақамлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

а) юридик хизмат кўрсатиш марказлари, туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари ва уларнинг филиаллари ҳамда ФХДЭ органлари барча ҳуқуқ ва ваколатларини сақлаган ҳолда туман (шаҳар) **адлия бўлимлари тузилмасига** ва бўйсунувиغا ўтказилсин;

б) Вазирлик: Давлат хизматлари агентлиги ҳамда Интеллектуал мулк агентлигининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш ҳамда интеллектуал мулк (интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни муҳофаза ва ҳимоя қилиш) соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи ҳамда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва интеллектуал мулк соҳасидаги бошқа халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасини ифodalовчи ваколатли **давлат бошқаруви органи** ҳисобланади;

в) Давлат хизматлари агентлиги ҳамда Интеллектуал мулк агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармалари уларни

шакллантириш манбалари ва фойдаланиш йўналишларини сақлаган ҳолда барча қолдиқ маблағлари билан биргаликда Вазирлик тасарруфига ўтказилсин.

Агентликларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари тегишли равишда Вазирликнинг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Интеллектуал мулкни ривожлантириш жамғармаси этиб қайта номлансин.

5. Вазирлик **бир ой мuddатда** Давлат хизматлари агентлиги ва Интеллектуал мулк агентлигининг бино-иншоотлари, товар-моддий бойликлари, зарур ахборот тизимлари ва бошқа мол-мулкларини ҳамда тегишли ҳужжатларини қабул қилиб олишни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ - 5505-сон Фармони билан тасдиқланган Norma ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясидаги вазифаларни амалга ошириш ҳамда қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш тартибининг такомиллаштириш мақсадида **2022 йил 1 майдан** бошлаб қуйдаги тартиб ўрнатилсин, унга мувофиқ:

қонунчилик мувофиқ маҳаллий ижро ҳокимияти органлари қарорларини қабул қилишда худудий адлия органлари ижобий хулосаси олингани белгиланган ҳолларда, бундай хулоса олинмасдан тегишли қарорларни қабул қилиш (чиқариш)га йўл қўйилмайди;

Вазирлик томонидан вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги фаолияти мониторинг қилинади ҳамда унинг натижаси бўйича ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борилади.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра **2023 йил 1 апрелдан** бошлаб:

муаллифлик ҳуқуқи объектларининг электрон назорат нусхалари мажбурий тартибда муаллифлик ҳуқуқи объектларининг ягона базасида (кейинги ўринларда — Ягона база) сақланади;

"Интеллектуал мулк маркази" давлат муассасаси Ягона базани юритиш, техник таъминлаш ҳамда муаллифлик ҳуқуқи объектларининг электрон назорат нусхаларини Ягона базага киритиш жарафини мувофиқлаштириш бўйича масъул — оператор этиб белгиланади; объектнинг электрон назорат нусхалари Ягона базага муаллифлик ҳуқуқи объектларини сақлаш фаолиятини амалга оширувчилар (депозитарийлар) томонидан жойлаштирилади;

## ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

### БУ БИЗ УЧУН КАТТА ИМКОНИЯТ, ЯНГИ БОЗОРЛАР ДЕГАНИ



Баҳор бежиз янгиланишлар, ўзгаришлар даврига менгзалмайди. Миллатимиз қийматини белгиловчи яна бир хайрли муҳда ҳам кўкларнинг дастлабки кунларига тўғри келди. "Cotton Campaign" халқаро коалицияси делегациясининг мамлакатимизга ташрифи давомида ўтказилган халқаро матбуот-брифингиде Ўзбекистонда пахта йиғим-теримида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўйилмагани муносабати билан эълон қилинган глобал бойкот тўхтатилигани маълум қилинди.

Давоми 3-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ДУНЁ

Мамлакатимизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги муҳим устувор йўналиши дунёнинг етакчи давлатлари ва халқаро ташкилотлари билан стратегик шериклик ҳамда ҳамкорликнинг мувозанатланган тизимини шакллантиришдан иборат.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

### ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ, ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РУҲИ БИЛАН ЙЎҒРИЛГАН


Сўнги йилларда Ўзбекистонда кечаётган катта ислохотлар — туб янгиланишлар даври мамлакатимиз ташқи сиёсатида ҳам ўз аксини топмоқда. Бу сиёсат ўзининг ҳаётийлиги, халқпарвар, бағрикенглик ва тинчликсеварлик

тамойилларига асослангани билан халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлиб келяпти. Шу маънода, дунёда бу йўл "Янги Ўзбекистон руҳи" сифатида алоҳида эътибор касб этаётгани ҳам бор гап.

Шу ҳақда мулоҳаза юритар эканмиз, Президентимизнинг мустаҳкам сиёсий иродаси билан амалга оширилган ташқи муносабатларимиз сарҳисобига тўхталишни жоиз топамиз.

Давоми 2-бетда

## ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА



# ИНВЕСТИЦИЯ — ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ПОЙДЕВОРИ

У қаерда жозибадор экан, фаровонлик бўлади

Глобал бозорда нархлар доим ўзгариб туради. Бу тебраниши мамлакатимиз иқтисодиёти, ички бозор нархларига ҳам таъсир кўрсатади. Шу боис, ҳудудларда аҳолини кундалик зарур маҳсулотлар билан мунтазам таъминлаш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар ишга солинмоқда. Янги корхоналар, ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этилаётгани, тадбиркорлик ривожланишига кенг йўл очилаётгани бунинг оддий мисоли. Бу борада, айниқса, инвестицион лойиҳаларнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Жорий йилнинг январь-февраль ойда мамлакатимизда 687 миллион доллар хоржий инвестиция ўзлаштирилган. Йил бошидан 506 та лойиҳа доирасида умумий қиймати 337 миллион доллар бўлган қувватлар ишга туширилиб, 7 мингта янги иш ўрни яратилган.

Президентимиз раислигида 7 март кунги ўтган видеоселектор йиғилишида тармоқ ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича жорий йил учун қўрилаган чора-тадбирлар ҳақида сўз борди. Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш йиғилишида муҳокама этилган асосий вазифалар қаторида бўлди.



Давоми 4-бетда

## НАВРЎЗ ШУКУҲИ

# КЎКЛАМ кўрк олган диёр

Бу йил юртимизга баҳор ҳар галгидан-да эртароқ, ҳар галгидан-да тантироқ, гўзаллик ва тароватга тўлиб-тошиб келди. Ҳовлиқа-энтика гул-чечаклардан гулчамбар, майин майсалардан пояндоз тўшашга ошиқди. Насимлар қанотида қувончлар ташиди, қушлар тилида қўшиқлар айтди. Ва ногоҳ у барибир кечикканини билиб қолди. Бу юрт, бу замин йил-ўн икки ой яшнаш-яшариш, нафосату малохат оғушида эканини, дам сайин, кун сайин хусну жамолга, куч-қудратга тўлиб бораётганини туйқус англаб етди.

Давоми 6-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ҲУҚУҚИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ ВА МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиш 1-бетда

Муаллифлик ҳуқуқи объектларини сақлаш фаолиятини амалга оширувчилар (депозитарийлар) томонидан объектнинг электрон назорат нусхалари Ягона базага киритилгандан сўнг, унинг сақловга қабул қилинганлиги тўғрисида ҳужжат тақдим қилинади.

8. Вазирлик: 2022 йил 1 июлга қадар муаллифлик ҳуқуқи объектларининг электрон назорат нусхаларини Ягона базада сақлаш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқиш, Вазирлик Маққамасига киритсин;

2023 йил 1 январга қадар Ягона база ишлаб чиқилиб, жорий этилишини таъминласин.

9. Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларига ўзларига юклатилган вазифаларини самарали амалга ошириш учун қуйидаги қўшимча ваколатлар берилсин:

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик учун давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жазо қўллаш;

интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга жазо қўллаш;

давлат органлари ва давлат иштирокидаги ташкилотларда юзага келган меҳнат нисосини кўриш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиш.

10. Вазирлик ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институтига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

таҳлил ва тадқиқот ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва ахборотларни, шу жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш амалиёти тўғрисида зарур статистик маълумотлар, таҳлилий материаллар, ҳужжатлар ва бошқа ахборотларни давлат органлари ҳамда ташкилотларидан бепул тарзда сўраш ва олиш;

давлат органлари ва ташкилотларида қонунчилик ҳужжатларини қўллаш амалиёти билан Адлия вазирлиги билан биргаликда жойига чиққан ҳолда танишиш;

тадқиқот ишларини амалга ошириш учун республиканинг етакчи таълим, илмий-тадқиқот муассасалари, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатларнинг нуфузли таълим ва илмий муассасаларининг тажрибали олимлари, бошқа ходимлари ва экспертларини шартнома асосида жалб этиш;

шартнома асосида ишларни бажариш ва хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағларни (уларни амалга ошириш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда) 80 фоизгача ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш тадбирларига йўналтириш.

11. Белгилансинки, давлат ташкилотларидаги илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлашга доир рағбатлантириш шартлари Институт ходимларига нисбатан ҳам таъбиқ этилади.

12. Вазирлик тузилмасида:

а) бошқарув ходимларининг чекланган

сонини ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида;

Халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик бошқармаси, Халқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси ҳамда Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бошқармасидан иборат Халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик департаменти;

Ижтимоий-иқтисодий соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш бошқармаси ҳамда Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни ривожлантириш бошқармаси негизига Ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш бошқармаси;

Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ҳамда Ҳуқуқий хизмат кўрсатишини давлат томонидан тартибга солиш бошқармаси негизига Ҳуқуқий хизмат кўрсатишини тартибга солиш бошқармаси;

Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ҳамда Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси негизига Қонунчиликни тизимлаштириш ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси ташкил этилсин;

б) Давлат хизматлари агентлиги ҳамда Интеллектуал мулк агентлиги қўшиб олиниши муносабати билан бўшаётган штат бирликларини доирасида:

Давлат хизматлари департаменти; Интеллектуал мулк департаменти ташкил этилсин.

13. Белгилаб қўйилсинки, Вазирликнинг янги ташкил этилаётган таркибий тузилмалари штатлари биринчи навбатда

Вазирликка қўшилаётган Давлат хизматлари агентлиги ҳамда Интеллектуал мулк агентлиги тизими ходимлари ҳисобидан тўлдирилади.

Вазирлик икки ой муддатда ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлардан келиб чиқиб, туман (шаҳар) адлия бўлимлари ва давлат хизматлари марказлари раҳбарларини лавозимидан озод қилиш ҳамда ушбу лавозимни ички танлов асосида юксак малака ва юқори профессионал тайёргарликка эга бошқарув кадрлари билан тўлдиришни таъминласин.

14. Адлия вазирлиги: Вазирлик марказий аппарати, адлия органлари ва муассасаларининг тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сонини доирасида ўзгаришлар киритиш; зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишган ҳолда, Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан давлат хизматлари марказлари ва уларнинг филиалларига қўшимча штат бирликларини жорий қилиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, илмий ва таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар, хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини, шунингдек, экспертларни маслаҳатчи сифатида жалб қилиш;

малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақини миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютада тўлаш ҳуқуқи берилсин.

15. Вазирликнинг қуйидаги тақлифларига розилик берилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги қўшиқдаги Интеллектуал мулк консултация маркази” давлат унитар корхонасини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Интеллектуал мулк маркази” давлат муассасаси сифатида қайта ташкил этиш;

Давлат хизматлари агентлиги ҳузуридаги “Давлат хизматларини ривожлантириш илмий-амалий маркази” давлат муассасасини Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Давлат хизматларини ривожлантириш маркази” давлат муассасаси этиб қайта номлаш.

Белгилансинки, “Интеллектуал мулк маркази” давлат муассасаси интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ ишларни, шу жумладан, уларни рўйхатдан ўтказишга доир талабномаларнинг давлат экспертизасини ва улар юзасидан тегишли маълумотлар марказий сақловини амалга оширувчи махсус ваколатли ташкилот ҳисобланади.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 17 март

ЎЗБЕКИСТОН ВА ДУНЁ

ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ, ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РУҲИ БИЛАН ЙЎҒРИЛГАН

Абдулазиз КОМИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири

Бошланиш 1-бетда

Биргина 2021 йилда Ташқи ишлар вазирлиги фаолияти давлатимиз раҳбарининг кўрсатма ва топшириқлари, ташқи сиёсий концепциямизда белгиланган устувор вазифалар, Ҳаракатлар стратегиясини “Ешларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури ҳамда Олий Мажлис Сенати қарорларида белгиланган вазифаларни тўла-тўқис бажаришга қаратилди.

Ташқи ишлар вазирлиги ўз фаолиятини миллий манфаатларимиздан келиб чиқиб, дунёнинг етакчи давлатлари билан муносабатларни ривожлантиришга, савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга, давлатимиз раҳбари ташаббусларини халқаро, минтақавий тузилмалар доирасида илгари суришга ҳамда минтақавий хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлашга йўналтириб келмоқда.

2021 йилда 150 га яқин олий даражадаги ташриф, учрашув, онлайн ва телефон мулоқотлар ташкиллаштирилди. Жумладан, Президентимиз хорижий мамлакатларда 9 мартаба (Марказий Осиё давлатлари, Туркия, Россия ҳамда Кореяга) амалий ва ишчи ташриф билан бўлди.

Давлатимиз раҳбари томонидан Марказий Осиё минтақаси Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилангани боис, ўтган йилда 100 дан ортиқ олий ва юқори даражадаги тadbирлар амалга оширилди, қатор салмоқли вазифалар бажарилди.

Марказий Осиё мамлакатлари билан икки томонлама ва минтақавий алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги конференция халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланди. Конференцияда 44 давлатдан 600 га яқин вакилларнинг фаол ва самарали иштироки таъминланди. Мазкур анжуман доирасида 150 дан ортиқ олий, юқори ҳамда парламентлар раҳбарлари даражасидаги икки ва кўп томонлама учрашув, музокаралар ташкиллаштирилди.

Бу тadbир Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-этиборини янада юксалтирди. Марказий ва Жанубий Осиё минтақалараро ҳамкорлигида янги йўналишларни белгиллаб берди.

Давлатимиз раҳбари томонидан таъкидланган яна бир муҳим йўналиш — қўшни Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши, унинг халқаро майдонда яққаланиб қолишига йўл қўймастик. Шу

сабабли, икки ва кўп томонлама форматларда афғон иқтисодий ривожлантиришга, умуман, Афғонистонни минтақавий жараёнларга кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ушбу йўналишда ўтган йил давомида 100 га яқин турли даражадаги ташриф, учрашув ва музокара амалга оширилди.

Ўзбекистоннинг ҳамкор мамлакатлар билан икки ва кўп томонлама муносабатлари изчил ривожланмоқда. Хусусан, МДҲ, Россия, Хитой, АҚШ ва Европа Иттифоқи, Осиё-Тинч океани минтақасидаги Жанубий Корея ва Япония мамлакатлари, Жанубий Осиё минтақасида эса Ҳиндистон ва Покистон, Яқин Шарқ, Америка, Африка ва Океаниядаги шерик давлатлар билан алоқалар кенгайтирилмоқда. 2021 йилда хорижий ҳамкорлар билан 1000 га яқин турли даражадаги ташриф, учрашув, музокара ва тақдиротлар ўтказилди.

Халқаро ташкилотлар доирасида, жумладан, БМТ, ШҲТ, МДҲ, Жаҳон савдо ташкилоти ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи, Ислон ҳамкорлик ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ҳамда халқаро молия институтлари (Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилмасига инвестиция банки, Европа тараққиёт ва тикланиш банки, Европа инвестиция банки, Ислон тараққиёт банки) билан амалга оширилаётган ишлар қўламини кенгайтирилмоқда. Мазкур ташкилотлар доирасида Ўзбекистон ташаббусларининг кенг қўллаб-қувватлишини таъминланмоқда.

Жумладан, фақатгина БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг кундалик фаолияти доирасида давлатимиз раҳбарининг 50 дан ортиқ турли соҳаларга тааллуқли халқаро ташаббуси юзасидан 5 та махсус резолюция ва қарорлар қабул қилиниб, асосий ҳужжат сифатида аъзо давлатларга тарқатилди.

Ўзбекистон вакилларининг нуфузли халқаро тadbирларда иштироки, хорижий давлатлар олий ва юқори даражадаги делегацияларининг юртимизга ташрифи ишлаб чиқилди.

Президентимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти юбилей саммитидаги иштироки давомида, ушбу ташкилотга 2021-2022 йиллар мобайнида раислик қилиш мажбурияти қабул қилинди ва тегишли чора-тадбирлар дастури амалга оширилмоқда.

Туркий давлатлар ташкилоти, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш каби халқаро ташкилотлар фаолиятида Ўзбекистоннинг самарали иштироки таъминланмоқда.

Жорий йилдаги асосий вазифаларимиздан бири ШҲТ, Туркий давлатлар ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотларида



Ўзбекистон раислигини юксак даражада ўтказиш, мазкур ташкилотларнинг олий даражадаги саммитларига юқори савияда ва пухта тайёргарлик қўришдан иборат. Мамлакатимизнинг 2021 йилдаги асосий сиёсий воқеаси — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлди. Уни самарали ташкиллаштириш доирасида 41 давлат, 20 нуфузли халқаро ташкилот, шу жумладан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик

дастуридаги 756 лойиҳа доирасида умумий ҳажми 8,1 миллиард долларга тенг хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштиришда амалий кўмак берилди.

Барча дипломатик ваколатхоналаримиз хорижий ҳамкорлар билан ишларни “лойиҳабай” тизимида йўлга қўйди.

Ўтган йилда хорижий давлатлар салоҳиятли инвестор ва ишбилармон доиралари вакилларининг 1100 дан ортиқ ташрифи ташкиллаштирилди. Хусусан, БАА, Туркия, Россия, Бангладеш, Покистон, Қозғистон, Франция, Туркменистон, Ислон тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки ва қатор бошқа халқаро молия институтлар вакилларининг Ўзбекистонга ташрифлари юқори савияда амалга оширилди.

Улар иштирокида икки ва кўп томонлама шаклдаги бизнес-форумлар ўтказилди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Учинчи маслаҳатлашув учрашуви доирасида Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий форуми ташкиллаштирилди.

2021 йил 4 сентябрь куни Тошкент шаҳрида Ислон тараққиёт банки бошқарувчилар кенгашининг 46-йиғилиши ўтказилиб, унда 57 аъзо мамлакатнинг иқтисодий, молия вазирлари, халқаро молия ташкилотлари, 500 дан зиёд йирик

Жадал иқтисодий дипломатия натижасида, Ўзбекистонга Европа Иттифоқи комиссияси томонидан “GSP+” ҳамда Буюк Британиянинг “GSP” тизимларида бенефициар мақоми берилишига муяссар бўлинди.

Шу билан бир қаторда, Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик доирасида 5-йиғилишга пухта тайёргарлик қўрилмоқда. ЖСТга аъзо давлатлар билан тегишли музокара ўтказилмоқда.

Евроосиё иқтисодий иттифоқи доирасида давлат раҳбарлари даражасидаги Евроосиё Олий иқтисодий кенгашининг 3 та йиғилишида ҳамда Бош вазирлар даражасидаги Евроосиё ҳукуматларо кенгашининг 4 та йиғилишида Ўзбекистон раҳбариятининг фаол иштироки таъминланди.

Ўзбекистоннинг халқаро транспорт-транзит коридорларини диверсификация қилиш мақсадига минтақамизни Ҳинд океани билан боғлайдиган Транс-афғон транспорт йўлагини барпо этиш ва “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли қурилиши лойиҳалари юзасидан қатор манзилли ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан хориждаги ватандошларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат ёки бошқа фаолиятни амалга ошираётган юрtdошларимизни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2021 йилда хориждаги дипломатик ва консуллик идораларимиз томонидан умумий ҳисобда 300 мингга яқин консуллик-ҳуқуқий ва бошқа хизматлар кўрсатилди.

Бундан ташқари, Россия, Қозғистон ва Туркия каби давлатларда фуқароларимиз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун 25 та нуфузли адвокатлик фирмалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Консуллик фаолиятига тааллуқли 58 та халқаро шартнома ва миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар имзоланди. Хусусан, фақатгина Россияда ҳуқуқий жиҳатдан чекланган шарoитда яшаётган 300 мингдан ортиқ фуқароларимизнинг ҳуқуқий мақомини легаллаштиришга қаратилган ҳамда уларни мазкур давлатда рўйхатдан ўтиш мuddатида 7 кундан 15 кунга узайтириш юзасидан келишувга эришилди.

Хорижда оғир аҳволда қолган фуқароларимизга моддий ва ижтимоий ёрдам кўрсатилди. 15 мингга яқин фуқароларимиз хорижда иш билан таъминланди. Мавжуд миграция оқимларини диверсификация қилиш борасида, Буюк Британия, Германия, Швейцария, Латвия, Польша, Япония, Қувайт каби давлатларда иш берувчилар билан музокаралар уюштирилиб, қўшимча 10 мингга яқин ишчи ўрин квотаси ажратилди. Вазирлик томонидан Ташқи меҳнат миграцияси агентлигига фуқароларимизни ташкилий асосда ишга юбориш бўйича шартномалар имзоланган амалий кўмак берилди.

Ўтган йили ташқи сиёсий фаолиятимиз қонунчилигини янада такомиллаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, олий ва юқори даражадаги тadbирлар доирасида 227 та (207 та икки томонлама ва 20 та кўп томонлама) ҳужжатлар имзоланди. Корея, Япония, Германия ва Бирлашган Араб Амириклари билан қишлоқ ҳўжалиги, сув ресурсларини бошқариш, соғлиқни сақлаш, тadbиркорлиқни қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий соҳаларда умумий қиймати 1,518 миллиард доллар ва 203,1 миллион еврога тенг бўлган молиявий-техникавий ҳамкорлик (грант, кредит) шартномалари келишилди.

Ўзбекистон 6 та универсал халқаро шартномага қўшилди ва 14 та минтақавий характердаги кўп томонлама келишувлар иштирокчисига айланди.

Ўзбекистон Республикасининг Янги ташқи сиёсий фаолият концепцияси ишлаб чиқилди ва у бўйича давлат раҳбарининг ижобий хулосаси олинди. Мазкур лойиҳа Хавфсизлик кенгаши томонидан Олий Мажлисга киритилиши кутулкилади.

Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий имижини илгари суриш бўйича изчил ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Бу борада, мамлакатимизнинг сиёсий-иқтисодий ва маданий-маърифий ривожланиши, яъни Ўзбекистон шароитида амалга оширилаётган ислохотларни ижобий натижаларига бағишланган 50 дан ортиқ хорижий давлатдаги нуфузли оммавий ахборот воситаларида 2000 га яқин мақола нашр этилиб, махсус теле-радио кўрсатувлар берилди.

Умуман олганда, Президентимиз бошчилигидаги ташқи сиёсий фаолиятимиз — йирик хорижий ҳамкорларимиз билан ўзаро муносабатларимизни, авваламбор, савдо-иқтисодий ва халқаро хавфсизлик соҳасидаги алоқаларни ривожлантиришга, Ўзбекистон махсусотлари экспортини оширишга, иқтисодий таъминимизга сармоа, етакчи технология ва илмий ишланмаларни жалб этишга, юртимизга хорижий сайёҳлар оқимини кўпайтиришга ҳамда фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Уларни амалга ошириш эса Ўзбекистоннинг ижобий халқаро имижини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу ўринда, вазирлик мувофиқлаштирувчи ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдондаги ижобий имижини мустаҳкамлаш концепциясини қабул қилиш ишларини жадаллаштиришнинг мақсадида мувофиқ, деб биламиз.

Вазирлик фаолиятининг айни даврдая устувор мақсади — 2022-2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт стратегиясини, “Инсон кадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили”га оид давлат дастурдаги вазифаларни, давлатимиз раҳбарининг бевосита кўрсатма ва топшириқларини самарали ва пухта амалга оширишидир.

Ташқи ишлар вазирлиги бу вазифа ва топшириқларнинг самарали, пухта бажарилишини таъминлаш учун барча имконият, салоҳиятини жалб қилишга ҳамда



ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

“Бугун Ўзбекистонда тараққиётнинг янги босқичи бошланди. Илм-фани ривожлантириш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бунинг замирида ички ва ташқи меҳнат бозорига рақобат қила оладиган, етарли малака орқали тараққиётни таъминлашга қодир авлод вакиллари воёга етказишдек эзгу мақсад мужассам.



# БУ БИЗ УЧУН КАТТА ИМКОНИЯТ, ЯНГИ БОЗОРЛАР ДЕГАНИ



**Нодир ЖУМАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, иқтисод фанлари доктори, профессор**

пахта даласидан топар эдик. Ишингиз битиши учун пахта даласига чиқиб, ўша ходим иш жойига олиб келинар ва яна пахта даласига олиб бориб қўйилар эди. Камига ўша ходимга пахта теришига кўмаклашишга ҳам тўғри келадиган вазиятлар бўларди. Негаки, унинг йўқотган вақти пахта нормасини бажаришига имкон бермасди-да.

Умуман олганда, “Пахта — миллий бойлигимиз”, “Пахта ҳаммамизни боқди” деган даъватлар тинмай қулгошимизда қўйилди. Бозор иқтисодиётига асосланган давлатларда миллий бойлик деган тушунчанинг ўзи йўқ. Хусусий мулк деган тушунча бор, холос. Капиталистик мамлакатлар таърибасидан маълумки, деҳқон ерга ўзи хоҳлаган маҳсулотни экади, ўзи парваришлайди, ўзи йиғиштириб олади ва ўзи сотади. Давлатга фақат солиқ тўлайди. Биз эса энг самарасиз йўлни танладик, тўғриси, танлаштидик. Таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини қурбон қилдик.

Уша даврда ёппасига амалга оширилган пахта компанияси натижасида педогоглар, талабалар, ўқувчилар синфхона ва аудиторияларни, тиббиёт ходимлари шифохоналарини тарк этди. Тан олиш керак, айни шу соҳалар уша давр асоратлари натижасида фалаж ҳолга келди. Улар пахта sanoatini ривожлантиришнинг илмий асосланган йўлидан эмас, пахта далаларидаги трактор ишларининг ортидан юрди. Бугун биз таълим соҳасида ҳам, иқтисодиётнинг турли тармоқларида ҳам малакали мутахассисларга муҳтожлик сезаётганимиз бор гап. Замонавий ва

ёпилгани, йўлларда ҳаракатлар тўхтатилганини ёши катталар яхши эслайди. Пахта хомашёсининг дунё бозорига бугунги нархи 1990 йилги нархдан деярли фарқ қилмайди. Ҳамма нарсанинг қиймати бир неча баробар ошган ўтган давр мобайнида пахта нархи ўзгаришига қараганда биз йилдан-йилга ундан зарар кўраётганимизни англаётимиз. Қиймат яратадиган ақл-заковат эгаларини далага чиқаришнинг оқибатларини бугун бирдек жабрини тортаётимиз.

Шукрим, пахтани деб, ҳамма нарсадан кечиладиган замонлар ўтди. Бугун ҳар ким ўз ишини қиладиган давр келди.

## Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имижига тобора яшиланиб бормоқда

Ўзбекистон ташқи сиёсатида БМТ органлари ва институтлари, глобал ва минтақавий иқтисодий, молиявий ва гуманитар ташкилотлардаги фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу борада ратификация қилинган халқаро конвенциялар ижросини таъминлашга эришмоқда.

Мамлакатимиз 1992 йил март ойида Халқаро меҳнат ташкилотига аъзо бўлиб, ҳозирга қадар маъмуриятнинг 14 та конвенциясини ратификация қилган. Бугун юртимизда ушбу конвенцияларда белгиланган ҳар қандай шаклдаги зурақи ёки мажбурий меҳнат қўлланиши ҳамда зурақи ёки мажбурий меҳнатга

меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарор билан тартибга солинади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, айрим ҳудудий раҳбарлар томонидан бюджет ташкилотлари ходимларини ободонлаштириш ишларига мажбурий жалб қилиш шаклида меҳнат қонунчилиги нормаларини бузиш билан боғлиқ ҳолатлар кузатилганлиги, мансабдор шахслар

пахтаси болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан холи бўлганини кўрсатади. Шунингдек, у бугунги кунда Ўзбекистон “қўшимча қиймат занжири бўйича юқори босқичга кўтарилиш мақсадини амалга ошириш” ҳамда тўқимачилик соҳасида миллионлаб иш ўринларини яратиш имкониятига эга эканлигини алоҳида қайд этди. Ўзбекистонда пахта етиштиришда давлат бюрократияси тизимининг бекор қили



нинг хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ҳолатлари ҳам қайд этилганлиги маъмуриятнинг қабул қилинишига асосий омил бўлди.

Иш берувчи томонидан воёга етмаганларни мажбурий меҳнатга жалб қилганлик тўғрисида тўғри жинойи жаобгарликка тортишга сабаб бўлиши қўнчилигимизда қатъий белгилаб қўйилди.

Ушбу қўрилган чора-тадбирлар ва қатъий позиция туфайли Халқаро меҳнат ташкилоти Ўзбекистон 2021 йилги пахта етиштириш ва йиғим-терим мавсумида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам беришга муваффақ бўлганини эълон қилди.

## Халқаро меҳнат ташкилоти ҳисоботида ижобий натижалар акс этди

Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистонда пахта йиғим-терими мониторинги маълумотларига кўра, республикада ҳам ҳар йили пахта йиғим-теримига қарий икки миллион киши жалб қилинади. Мамлакатда пахта етиштириш соҳасини ислоҳ қилиш жараёни бошланганидан буён ўтган етти йил мобайнида икки миллионга яқин бола болалар меҳнатидан, ярим миллион катта ёшдагилар мажбурий меҳнатдан озод қилинган.

Ташкилот ўтган йили мониторингни ўтказиш жараёнида қарий ўн бир минг теримчи билан суҳбат ўтказиб, пахта теримига жалб қилинганларнинг 99 фоизи ихтиёрий равишда ишлаганини қайд этди. Уларнинг аксарияти 2020 йилдан бери терим жараёнида меҳнат шaroитлари, хусусан, транспорт, озиқ-овқат, ичимлик сувви, гигиена талаблари билан боғлиқ вазият яхшиланиганини маълум қилган. Ҳисоботга кўра, Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг қарий 12,5 фоизи пахта йиғим-теримига иштирок этган, уларнинг аксарияти — икки аҳолиси. Теримчиларнинг ундан икки қисмини хотин-қизлар ташкил этади.

Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Гай Райдер сўзларига кўра, 7 йиллик ҳамкорликдан сўнг, ушбу ҳисобот ўзбек

линиши ҳам болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга чек қўйишда муҳим қадам бўлди.

## Ислохотлар бозор иқтисодиёти қарор топишига йўналтирилган

Пахта етиштириш ҳақида гап кетганда, нафақат меҳнат тақсими, балки ундан олинадиган фойда тақсими ҳам ижобий тенденцияни бермас эди. Президентимизнинг 2020 йил 6 мартдаги “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори агар соҳада узок йиллар давомида сақланиб келаётган стереотипларни тубдан ўзгартирди. Ушбу ҳужжатга асосан, сўнгги юз йилликда деҳқонлар оёғига тушов бўлиб келган пахта бўйича давлат бюрократияси бекор қилинди, соҳага бутунлай янги ёндашувлар киритилиб, амалий ҳаракатларга йўл очилди.

Шу билан бирга, бу тарихий ўзгаришлар давлатнинг тармоққа аралашувини камайтади. Натижада режа ортидан қувиш, қўшиб ёзиш, ажратилаётган ресурслардан мақсадсиз фойдаланиш ёки одамларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш каби ҳолатларга ўрин қолмайди.

Пахта хомашёси етиштириш, харид қилиш ва сотишда эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш ҳамда ушбу йўналишда фермер хўжалиқлари ҳамда кластерлар манфаатдорлигини оширишнинг янги механизмлари аниқ белгилаб олинди. Жумладан, 2020 йил ҳосилидан бошлаб, давлат томонидан пахта хомашёси ишлаб чиқариш ва сотиш режасини, харид нархини белгилаш амалиётидан воз кечилди. Натижада 2021 йилдан бошлаб, барча экин майдонларидаги юз фоиз хомашё пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластер ташкилотлари томонидан етиштирилишига эришилди.

Айтиш жоизки, юртимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий этилган кластер тизими охириги уч йилликнинг энг муҳим ўзгаришларидан бири бўлди.

Эътиборлиси, бу янги ёндашув қисқа муддат ичида агар соҳани жадал ривожлантиришнинг локомотивига айланди.

Сўнги йиллардаги маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, соҳада мунтазам иш билан таъминланганлар сони 1,9 баробарга ўсди. 2016 йилда 183 минг иш ўрни бўлган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич 400 мингдан ошди. 2016-2020 йилларда ҳудудларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж sanoatida умумий қиймати 2 263,1 миллион доллар бўлган 288 та лойиҳа амалга оширилди ва 53 977 янги иш ўрни ҳамда 993,7 миллион доллар экспорт салоҳияти яратилди. Бугунги кунда соҳада 7 мингдан зиёд корхона фаолият кўрсатиб келмоқда. Тармоқ корхоналарининг 2016 йилдаги ишлаб чиқариш ҳажми 12,6 триллион сўмга тенг бўлса, 2020 йилнинг якуни билан ишлаб чиқариш ҳажми 3,4 баробарга ўсиб, 44 триллион сўмни ташкил этди.

## Пахта нархи қандай белгиланади? Ишлаб чиқарувчилар қанча даромад қилишни олдиндан билиши мумкинми?

Бугунги фермер ўзи етиштираётган пахта хомашёси нархини чигит эмасдан олдин билади. Ўйини, жаҳон бозори таҳлилидан келиб чиқиб, ҳар йили 1 декабрга қадар келгуси йил ҳосили учун қўйлаётган минимал нархлар эълон қилиб борилади. Бозорлардаги нархлар ўзгарса, ҳар чоракда унга тузатишлар киритилиши мумкин. Шунга қараб фермер агротехник тадбирларни бажаради, фаолиятида юқори технологияларни қўллашга мойиллиги ортади. Масалан, сўғоришда инновацион технологияларни жорий қилган фермер хўжалиқлари юқори даромад олапти. Яъни, 11,5 минг гектар пахта майдонига томчилятиб сўғориш тизимини қўллаган фермерларнинг ҳеч бири 40 центнердан кам ҳосил олгани йўқ. Ҳаттоки бу кўрсаткич 70 центнерга ҳам етди.

Умуман олганда, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида янги давр бошланди. Жорий этилаётган замонавий механизмлар агар соҳадаги унумдорлик, демакки, манфаатдорлик, тармоқда меҳнат қилаётган инсонларнинг турмушига ёрлик, фаровонлик олиб кириши, шубҳасиз.

Сўнги йилларда амалга оширилган ижтимоий-сиёсий ислохотлар орасида геополитик нуқтаи назардан олганда, энг муваффақиятлиси пахта далаларида мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатидан воз кечиш бўлди. Олиб борилган ислохотлар ва татбиқ этилган чора-тадбирлар натижасида пахта толаси хомашё сифатида фақатгина ички бозорда сотиляпти. Бу, ўз навбатида, тўқимачилик sanoatini ривожлантиришга хизмат қилиб, аҳолини иш билан таъминлашга катта улуш қўшляпти. Маълумотларга эътибор қиладиган бўлсак, маъмурият соҳасидаги ислохотлар етти минг ишлаб чиқариш корхонасида 200 мингдан ортиқ киши доимий иш билан таъминланган.

Ҳисоб-китобларга кўра, пахтачилик қўйилган бойкотнинг олиб ташланиши тўқимачилик sanoati маҳсулотлари экспортининг икки бараварга ошишини таъминлайди. Бу нарса жуда кўп янги иш жойларининг вужудга келишига замин яратяпти, албатта.

Бугун Ўзбекистонда тараққиётнинг янги босқичи бошланди. Илм-фани ривожлантириш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бунинг замирида ички ва ташқи меҳнат бозорига рақобат қила оладиган, етарли малака орқали тараққиётни таъминлашга қодир авлод вакиллари воёга етказишдек эзгу мақсад мужассам.

### Бошланиши 1-бетда

Президентимиз шу муносабат билан ўз фикрини билдириб, “Сўнгги беш йилда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларимиз самарасини бериб, “Cotton Campaign” кўни кеча Ўзбекистонни “қора рўйхат”дан чиқарди. Бу ҳам биз учун жуда катта имконият, янги бозорлар дегани. Бунинг ҳисобига истеъмол маҳсулотларининг хомашёсини олиб келиб, уларни қайта ишлаш орқали қўшимча 1,5 миллиард долларлик маҳсулотни бемаъл экспорт қилса бўлади”, деди.

### Ўтмиш сабоқлари

1924 йилдан Ўзбекистон собиқ иттифоқнинг асосий пахта етиштирувчи базасига айланганлиги. Янгидан-янги ерлар ўзлаштирилди, кимсасиз қўллар ўрнида пахта майдонлари ташкил этилди, ариқ ва каналлар қазилди, дренажлар тизими вужудга келтирилди. Пахтани қайта ишлаш, терим ва йиғирув машиналари, тозалаш ускуналари, кимёвий ўғитлар етказиб берувчи заводлар учун қишлоқ хўжалиги техникаси ва машиналари ишлаб чиқарадиган sanoat вужудга келди ва иш ўринлари яратилди.

Бирок пахта етиштиришга эътиборнинг ҳаддан ташқари ортиб кетиши натижасида экологик муаммолар, мажбурий меҳнатдан фойдаланишнинг салбий оқибатлари юзага чиқди. Ўзбекистон иқтисодиёти деярли фақат пахта етиштиришга йўналтирилгани туфайли мустақилликка эришилгач, катта муаммолар гирдобига қолди. Истиклолнинг илк йилидан тортиб, 2016 йилгача бўлган даврда эски тузум мероси бўлган инсон меҳнатидан мажбурий фойдаланишга узил-кесил нуқта қўйилмади. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йилдаги катта сиёсий иродаси туфайли пахта етиштиришда мажбурий меҳнатдан фойдаланиш батамом тўхтатилди.

Пахта экишдан тортиб, то уни йиғим-терим мавсумига қадар “7 дан 70 ёшгача” шiori билан далаларда кун ўтказганимиз ҳамон ёдимизда. Айниқса, қишлоқ аҳолиси қорли-қировли кунларда ҳам “ҳеч бир чаноқда пахта қолмасин” деган шiori остида соғлиғи, ҳаловатидан воз кечиб, оқ пахтанинг қора меҳнатидан бўшамади. Болаларнинг пахта теришига оддий ҳол сифатида қараш шаклланиб қолди.

Бир эслайлик, бирон-бир ҳужжат ёки ишингиз тушиб мутасадди ташкилотга берсангиз, маълумотномаларни тайёрлаб берадиган ёки сизни муаммонингизни ҳал қилишга масъул бўлган ходимни



сифатли пахта териш машиналари устида бош қотириши керак бўлган бўлажак муҳандисларнинг ақлу заковатидан эмас, пахта териш учун “олтин қўллар”дан фойдаланилди...

Ура-урчилик натижасида етиштирилган пахтаимизни хомашё сифатида арзимас қақага сотдик. Натижа нима бўлди? Қундалик озиқ-овқат товарларидан тортиб, пахтадан тайёрланган маҳсулотларга ҳам импорт қилдик. Иқтисодиётнинг ривожланиши, аввало, халқ манфаатларига хизмат қилиши кераклиги унутилди. Пахта терими ва чопиқ даврида бозорлар беркитилгани, тўйлар, аза маросимларга таққ қўйилгани, муассаса ва ташкилотлар

жалб қилишни бартараф этиш бўйича мажбуриятлар ижроси тўла таъминланяпти, дея оламиз.

Нафақат пахта терими билан боғлиқ ҳолат, балки бошқа ҳар қандай соҳада ҳам мажбурий меҳнатдан фойдаланишга нисбатан қатъий позиция белгилаб олинди ва унинг ижроси изчил бажарилляпти. Аниқ позиция мавжуд, унинг ижросини таъминлашга масъул бўлганлар, турли даражадаги ҳудуд раҳбарларининг жаобгарлиги белгиланган. Бу масаладаги муносабатлар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида мажбурий

қолган эди. Шу боис, йил-ўн икки ой фақат пахта билан яшадик. Мавжуд ресурсларни, ишчи кучини пахта етиштиришга сафарбар этдик. Ҳеч ким пахта ишидан четда қолмади. Мактабларни ёпиб, ўқитувчи ўқувчиларни далага ҳайдадик. Идораларнинг ишчи-хизматчилари учун ҳам бу масала бош оғриғига айланганди. Бунинг учун арзимаган пул тўладик, баъзида эса текинга ишлатдик.

Уша кезлари кўпчилик билиб турардики, бундай вазиятда узок вақт яшаб ҳам, ишлаб ҳам бўлмасди. Ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш йўлини танлаган мустақил Ўзбекистон учун мажбурий меҳнатдан фойдаланишни бекор қилиш ҳаётий заруриятга айланаётганди. Шавкат

Мирзиёев мамлакатимиз Президенти бўлиб сайлангач, у кишининг саъй-ҳаракатлари ва сиёсий иродаси билан мажбурий меҳнатдан воз кечиш бўйича амалий ислохотлар бошланди. Дастлаб пахта майдонлари қисқартирилди, ишлаб чиқаришга интенсив технологиялар жорий этилди. Пахта етиштиришда кластер тизими ишлаб бошлади. Барча ҳисоб-китоб бозор тамойилларига ўтказилди. Иқтисодий манфаатдорлик биринчи даражали назоратга айланди.

Қарабсизки, пахтачиликда узокни кўзлаб амалга оширилган ислохотлар қисқа муддатда ўзининг ижобий самарасини берди. Пахта йиғим-теримида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан буткул



Аминбой ВАФОВЕВ, “Эл-юрт хўрмати” ордени соҳиби.

лига энг кўпи билан 36 минг тонна пахта ҳосили олинган. Утган 2021 йилда эса пахта ер майдонлари қисқартирилган бўлишига қарамадан, салкам 40 минг тонна ҳосил етиштирилди. Бу пахтачиликка илгор технологияларни жорий этиш, етарлича теҳний ресурсларни ажратиш, энг асосийси, иқтисодий манфаатдорликнинг таъминланиши самараси бўлди.

Шуни қувонч билан эътибор этиш керакки, ўзбек пахтачилик бойкотининг бекор қилиниши дунёдаги етакчи тўқимачилик корхоналарининг мамлакатимиз бозорига кириб келишини таъминляпти. Бу эса қўшимча иш ўринлари яратишига, пировард натижада аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Гурлан тумани

### МУНОСАБАТ

## ЎЗБЕК ПАХТАСИНИНГ МАВҚЕИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Шу йилнинг 10 март кўни “Cotton Campaign” халқаро коалицияси делегацияси аъзолари иштирокида Ўзбекистон пахтачилик соҳасида яратилган меҳнат шaroитларига бағишланган пресс-брифингга маъмурият раҳбари Беннет Фриман Ўзбек пахтачилик эълон қилинган бойкот тугатилганини маълум қилди.

Бу хабарни ойнаи жаҳон орқали қўриб, эшитиб, ўзимни тутиб тура оламиз. Ростки, қувончдан кўзларимга ёш келди. Йиллар давомида оқ пахтаимизнинг қора рўйхатга киритилиши мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётига, кўп миллионли халқимизнинг, айниқса, қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг ҳаётига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келаятганди.

Собиқ иттифоқ давридан бизга мерос бўлиб қолган мажбурий меҳнатдан қутулиш осон эмасди. Кўп йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаган киши сифатида айтишим мумкинки, мажбурий меҳнатдан, болалар меҳнатидан бирданга воз кечиш бўлмади. Тажрибадан келиб чиқиб айтишим мумкинки, ўша пайтда аҳолининг ҳаёти, келажаги пахтачиликка, ундан келадиган даромадга боғлиқ

## ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА

## Бошланиши 1-бетда

Инвестиция азалдан бирор тармок, соҳа ёки инсоннинг ривожланишида муҳим омили бўлиб келган. У келажакда наф олиш мақсадида пул, қимматли қозғолар, ер, бино каби қурилишда киритиладиган сармоя. Ота-она фарзанднинг келгусида бирор касб устаси бўлиши учун ўқиши, билим олишига пул тиккани каби, иқтисодда ҳам қайсидир тармоқни ривожлантиришга сармоя киритилади. Бу маблаг кейинчалик инвесторга фойда бўлиб қайтади. Шу жиҳатдан, инвестиция капитални муайян муддатга боғлаш ёки банд қилишни билдиради.

Инвесторлар эса биз тасаввур қилганимиздек нафақат хорижий йирик компаниялар, балки давлат, корхона, чет эллик фуқаролар, аҳоли ва бошқалар бўлиши мумкин. Аммо ҳар қандай инвесторни лойиҳа истиқболга ишонтириш, ҳамкорликка жалб қилиш осон эмас. Бунинг учун лойиҳа чиндан истиқболли, юқори даромад келтирадиган ва, энг асосийси, келгусида талабдор бўлиши муҳим. Хорижий инвесторлар эса мамлакатнинг туристик салоҳияти, инфратузилмавий ривожланишига ҳам эътибор қаратади.

Сўнги йилларда юртимизга инвесторларни кенг жалб этиш ҳисобига ишлаб чиқариш, маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ҳамда экспорт кўрсаткичи ошиб борапти. Хусусан, ўтган икки ойда товар ва хизматлар экспорти ҳажми 1,7 миллиард доллардан ортиб, 2021 йилнинг шу даврига нисбатан 20 фоиз юқорилаган. Айтилган маълумотларни корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари экспорти қарийб 2 баравар, электротехника маҳсулотлари экспорти 1,5 баравар, тўқимачилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти эса 1,3 баравар ўсган.

## Замонавий, мустақкам, инновацион

Рақамлардан бироз йироқлашиб, атрофга боқамиз. Диримизнинг ҳар бурчаги, ҳар қадамда қурилиш, бунёдкорлик ишлари авжида. Худудларда энг замонавий, муҳташам бинолар, дам олиш ва савдо масканлари, турар жой комплекслари қад ростламоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси асосида аҳоли учун барча қўлайлик ва ижтимоий инфратузилмага эга "Янги Ўзбекистон" массивлари барпо этиляпти, "Обод маҳалла", "Обод қишлоқ" дастурлари изчил давом эттирилмоқда. Шундай шароитда қурилиш материаллари саноати иқтисодиётнинг янги қувватларидан бирига айланади.

Ҳозирги биноларни эскилари билан таққослаб бўлмайди. Бугун қурилишда янги турдаги, инновацион, энергиятежамкор материаллар улуши ортиб борапти. Қувонарлиси, бундай маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш қўламли ҳам кенгайган. Биргина мисол, 2016 йилда юртимизда 80 турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилган бўлса, бугунга келиб уларнинг тури 180 тадан ошди.

Талаб ва тақлифнинг ортиб бориши айтилган маълумотлардан фойдаланиб юритаётган 10 мингга яқин қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар иш ҳажмининг кенгайишига йўл очмоқда. Айниқса, сўнги йилларда арзон, энергиятежамкор маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўрсаткичи сезиларли ошди.

Турли хилдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун хомашёнинг деярли барчаси республикамизда мавжудлиги хорижий инвесторларни ўзига жалб этмоқда. Ўтган йили соҳада 10 триллион сўмдан зиёд инвестиция маблағларини ўзлаштириш ҳисобига импорт ўрини босувчи флот ойна, базальт ва шиша момигидан иссиқлик сақловчи плиталар, базальт толасидан композит арматура, қувур ва геосетка, керамогранит, гулқоғоз, мрамор, травертин ва гранит плита, бўёқ маҳсулотлари, керамик плитка ва бошқа янги турдаги, замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ушбу йўналишда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижа-сида янги қувватлар ишга туширилмоқда. Ўтган йили Жиззах вилоятида фаолияти йўлга қўйилган масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Basalt Wool" хорижий корхонаси ана шундай инвестицион ҳамкорлик маҳсули.

Завод 35 минг тонна базальт тошидан минерал плиталар ишлаб чиқариш қуввати эга. Бу турдаги қурилиш материаллари қатор афзалликлари билан ажралиб туради. Аввало, бино ичида мўътадил ҳароратни ҳосил қилади, ташқи таъсирлар ва ёнғинга чидамли, қолаверса, экологик тоза. Муҳими, маҳсулотга ички ва ташқи бозорда талаб катта. Корхона Европада келтирилган энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган, 100 га яқин иш ўрни яратилган.

Шиша кристалл ҳам бугунги кундаги замонавий қурилиш материалларидан бири. Маҳсулот рангсиз ёки рангли шиша гранулаларини бирлаштириш натижасида олинган плиталар шаклида ишлаб чиқарилади. Ҳозирда ушбу қурилиш материалли биноларни пардозлашда кенг қўлланилмоқда.

Маҳаллий бозорда шиша кристаллига бўлган талабни қоплаш мақсадида жорий йил Тошкент вилоятида умумий қиймати 6 миллион доллар бўлган инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. "Люкс Стоун" МЧЖда йилга 100 минг квадрат метр шиша кристалл ишлаб чиқариш режалаштирилган. Замонавий, энергиятежамкор ускуналар маҳсулотларни жаҳон стандартлари асосида ишлаб чиқаришга имкон яратди.

— Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 9 июндаги "Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармониغا асосан қурилиш материаллари тармоғи бошқаришнинг мутлақо янги тизими жорий этилди, — дейди "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Азизбек Баходиров. — Хусусан, тармоқни янада такомиллаштириш, соҳага хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш, экспорт кўрсаткичларини ошириш ҳамда янги саноат корхоналарини ташкил этиш мақсадида 2022-2026 йилларда қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра, 2026 йилга бориб тармоқ бўйича маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 42,3 триллион сўмга етказиш, қурилиш материаллари экспортини 1,084 миллиард долларга ошириш, импорт ҳажмини эса 60 фоизга камайтириш кўзда тутилган. Бунда, айниқса, инвестицион лойиҳаларга катта эътибор қаратилади. Яъни, тармоқни ривожлантиришга 2 миллиард долларлик инвестициялар жалб қилинади.

Уюшма жорий йилда 1 миллиард 160 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштиришни режа қилган. Инвестиция дастурига асосан, 12 та лойиҳа ишга туширилиб, 1 миң



тори Зокирхўжа Эшонхўжаев. — Аммо уни очишга бўлган жиддий ҳаракатлар 2017 йилдан бошланди. Дастлабки жараёнларда "Олмалик КМК" АЖ минерал ресурслар хомашё базасини кенгайтириш ва захираларни "JORC" кодекси стандартларига мувофиқ қайта баҳолаш

Шартномани молиялаштириш мақсадида Россиянинг "Внешэкономбанк" билан 712 миллион евро қийматида 7 йил муддатга кредит келишуви имзоланган. Фабрика 2023 йилда ишга тушган, мис ишлаб чиқариш қуввати бир неча баробарга ошади.

## ИНВЕСТИЦИЯ

## ИҚТИСОДИЙ БАҲҚАРОРЛИК ПОЙДЕВОРИ

## У қаерда жозибадор экан, фаровонлик бўлади

35 та янги иш ўрни яратилади. Натижада корхоналар қўшимча қувватда ишлаб бошлайди, барча турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш қувватлари ошади. Бу ўз-ўзидан экспорт ҳажми ортишига хизмат қилади.

Худудларда ҳам янги инвестицион лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилиш жараёнлари аллақачон бошлаб юборилган. Фаргона, Сурхондарё, Бухоро ва Хоразм вилоятларида қуввати 300 миң метр куб бўлган газобетон блоклари, Наманган, Фаргона, Сурхондарё вилоятларида гипс ва гипсокартон листлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, Жиззах вилояти табиий ресурсларидан келиб чиқиб, архитектура ва автомобиль ойнасини ишлаб чиқаришни ташкил этиш белгиланган. Натижада 2022—2026 йилларда 7 турдаги янги инновацион қурилиш материални ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Ҳозирда мазкур жараёнлар учун салоҳиятли инвесторлар ва лойиҳани молиялаштириш манбалари аниқланмоқда.

## Улкан захира — буюк мақсадлар рўёбига хизмат қилади

Мақтаб даврида юртимиз қазилма бойликлари, қимматбаҳо маъданларга бойлиги ҳақида кўп ўқирдик. Геология соҳасини танламасак-да, ўзимизча конларни тасаввур қилардик. Касбий тақозоси билан Олмалик кон-металлургия комбинатида амалга оширилаётган йирик инвестицион лойиҳа — "Ёшлик-1" конини ўзлаштириш ишлари билан яқиндан танишишга муваффақ бўлдим.

Бу айтилган маълумотлардан фойдаланиб юритаётган 10 мингга яқин қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар иш ҳажмининг кенгайишига йўл очмоқда. Айниқса, сўнги йилларда арзон, энергиятежамкор маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўрсаткичи сезиларли ошди.

Турли хилдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун хомашёнинг деярли барчаси республикамизда мавжудлиги хорижий инвесторларни ўзига жалб этмоқда. Ўтган йили соҳада 10 триллион сўмдан зиёд инвестиция маблағларини ўзлаштириш ҳисобига импорт ўрини босувчи флот ойна, базальт ва шиша момигидан иссиқлик сақловчи плиталар, базальт толасидан композит арматура, қувур ва геосетка, керамогранит, гулқоғоз, мрамор, травертин ва гранит плита, бўёқ маҳсулотлари, керамик плитка ва бошқа янги турдаги, замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ушбу йўналишда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида янги қувватлар ишга туширилмоқда. Ўтган йили Жиззах вилоятида фаолияти йўлга қўйилган масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Basalt Wool" хорижий корхонаси ана шундай инвестицион ҳамкорлик маҳсули.

Завод 35 минг тонна базальт тошидан минерал плиталар ишлаб чиқариш қуввати эга. Бу турдаги қурилиш материаллари қатор афзалликлари билан ажралиб туради. Аввало, бино ичида мўътадил ҳароратни ҳосил қилади, ташқи таъсирлар ва ёнғинга чидамли, қолаверса, экологик тоза. Муҳими, маҳсулотга ички ва ташқи бозорда талаб катта. Корхона Европада келтирилган энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган, 100 га яқин иш ўрни яратилган.

Шиша кристалл ҳам бугунги кундаги замонавий қурилиш материалларидан бири. Маҳсулот рангсиз ёки рангли шиша гранулаларини бирлаштириш натижасида олинган плиталар шаклида ишлаб чиқарилади. Ҳозирда ушбу қурилиш материалли биноларни пардозлашда кенг қўлланилмоқда.

Маҳаллий бозорда шиша кристаллига бўлган талабни қоплаш мақсадида жорий йил Тошкент вилоятида умумий қиймати 6 миллион доллар бўлган инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. "Люкс Стоун" МЧЖда йилга 100 минг квадрат метр шиша кристалл ишлаб чиқариш режалаштирилган. Замонавий, энергиятежамкор ускуналар маҳсулотларни жаҳон стандартлари асосида ишлаб чиқаришга имкон яратди.

мақсадида Буюк Британиянинг "SRK Consulting" компанияси жалб қилинди. Кўплаб қудуқлар қазилиб, уларнинг таҳлили асосида ўрганишлар олиб борилди. Сўнгра "JORC" кодекси талабларига мувофиқ, бирлашган "Қалмоққир" ва "Ёшлик-1" оптин-мис порфирли конларнинг минерал захиралар ҳисоботи Давлат захира комиссиясига тақдим қилинди. Геология ишлари натижасида Олмаликда 45 миллион тонна мис захираси топилган. Олтин захираси эса 5 миң тоннадан кўпроқ, дея баҳоланмоқда.

2028 йилдан кейин "Қалмоққир" ва "Ёшлик-1" конлари бирлаштирилиб,

## Дунё брендлари ўзимизда ишлаб чиқариляпти

Халқаро мис уюшмаси маълумотларига кўра, мис энг кўп машинасозликда, шунингдек, қурилиш ва инфратузилмада ишлатилади. Охириги йилларда мисдан фойдаланган ҳолда электромобиллар ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошди.

Мамлакатимиз мис саноатида кабель ва сими маҳсулотларини ташқари, электротехника ва улар учун ускуна, қуёш ва



сайёрамиздаги энг йирик мис конига айланиши кўзда тутилган. Натижада руда қазиб олиш биринчи босқичда 100 миллион тонна, иккинчи босқичда эса 160 миллион тоннага етади. Умумий ҳисобда мис тармоғидан тушадиган даромад жорий 2,5 миллиард доллардан 8,5 миллиард долларга ошади. Ўзбекистон эса мис ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги энг етакчи давлатлардан бирига айланади.

Бой мис захирасига эга "Ёшлик-1" конини пастдан, қазиб ишларига яқин ҳолда қўришнинг заҳфи бошқача. Конда ишлар қизиб. Маъданлар қатламга етиб бориш учун туну кун бурғилан ишлари олиб бориляпти. Самардорликни ошириш мақсадида 570 дан зиёд техника жалб этилган.

Йирик инвестицион лойиҳа доирасида йилга 65 миллион тонна маъдани қайта ишлаш қувватига эга 3-ми бойитиш фабрикасини қуриш ишлари ҳам жадал олиб бориляпти. У ерда комбинатга қарашли конлар, хусусан, "Ёшлик-1" конидан олинган рудалар қайта ишланади.

Объект учун 106 гектар ер майдони ажратилган. Фабрика Марказий Осиё ва Россиянинг саноат қурилиш бозорига етакчи консорциуми — "Enter Engineering" компанияси ҳамда "Газпромбанк"нинг машинасозлик дивизиони корхонаси "Уралмашзавод" ПАЖ томонидан барпо этилмоқда.

чиқариш лойиҳаси амалга оширилган эди. Завода ишлаб чиқариш жараёнининг 70 фоизи автоматлаштирилган. Бу ҳар 19 сонияда битта тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имконини бермоқда.

Шунингдек, Технопаркда Хитойнинг "Shanghai Mitsubishi" компанияси билан ҳамкорликда лифт ва эскалаторлар, "Whirlpool China" компанияси ҳамкорликда кир ювиш машиналари, Япониянинг "Shivaki" бренди остида республикада қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари учун 500 килограммдан 3 миң тоннагача маҳсулот сақлаш сифмига эга махсус музлаткич омборхоналари, Италиянинг "Petro Fiorentini" компанияси билан ҳамкорликда иллик қуввати 3,5 миллион донга бўлган электрон газ ҳисоблагичлар ишлаб чиқаришмоқда.

— Инвестиция — бу иқтисодиётнинг "юраги". Шу жиҳатдан, электротехника саноатига киритилаётган ҳар бир сармоя ва уларнинг салмоғи соҳада юқори натижаларни кафолатлайди, — дейди "Ўзптехсанот" уюшмаси раиси Мирзиёев Юнусов. — Келинг, фикримизни амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари билан давом эттирсак. 2021 йилда 150,6 миллион долларлик инвестиция ўзлаштирилиб, худудларда 61 та янги лойиҳа ишга туширилди ва натижада 3 миң 239 та янги иш жойи яратилди. Тараққиёт стратегияси доирасида 2022-2026 йиллар давомида 700 миллион долларлик 168 та инвестиция ло-

нисбатан 40 фоиз кам чиқинди ва зарарли газ ҳосил қилади. Бунинг ҳисобидан йилга 13 миң 500 тонна зарарли газлар ҳавога тарқалишининг олди олинади.

Гап катта иқтисодий самарадорликка эга йирик инвестицион лойиҳа — ўтган йили декабрь ойда Қашқадарё вилояти Ғузор туманида ишга туширилган "Uzbekistan GTL" заводи ҳақида бормоқда.

Завода йилга 3,6 миллиард метр куб табиий газ қайта ишланиб, қиймати 1 миллиард доллардан зиёд бўлган 1,5 миллион тонна тайёр суюқ маҳсулот ишлаб чиқарилади. Жўмладан, авиакеросин, дизель ёқилгиси, нафта, суюлтирилган газ тайёрланади. Ушбу маҳсулотлар ҳисобига йилга 500 миллион долларлик импорт ўрни қопланиб, 200 миллион долларлик экспорт ва 2 триллион сўмлик солиқ тушумлари таъминланади. Натижадорлик жиҳатидан айтганда, бу ерда табиий газ 3 баробар юқори қийматли тайёр маҳсулотга айланганлиги Шунингдек, 1300 га яқин фуқароларимиз муносиб меҳнат шариоитига эга, даромадли иш билан таъминланади.

Мажмуада ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, айниқса, Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика мустақиллигини таъминлаш ва салоҳиятини ошириш, утлеводород хомашёси импорти кескин камайтиришга йўл очади, ички бозорни

йўқасини амалга ошириш ҳисобидан янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш ва маҳаллийлаштириш даражасини ўртача 60 фоизга етказиш бўйича "Йул харитаси" ишлаб чиқилган. Ҳозирги вақтда истиқболли йўналишлар устида иш олиб бориляпти. Бу "Электроника ва автоматика", "Яшил энергетика" ҳамда шунга ўхшаш бир қатор йўналишларни ўз ичига олади. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш натижасида минг-лаб қўшимча иш ўринлари яратилади.

Аваллари электротехника саноатига оид лойиҳалар асосан Тошкент шаҳри ва вилояти ҳиссасига тўғри келган бўлса, ўтган йилдан бошлаб лойиҳаларнинг 70 фоизи энг чека худудларга кириб бормоқда. Республика бўйлаб "Premier", "Ferre", "Ideal", "S-Smart", "Rosso" каби янги, миллий брендлар остида ўзимизнинг маҳсулотлар ишлаб чиқариляпти.

Қолаверса, Фарғонада Хитой компанияси билан ҳамкорликда электромобиль ишлаб чиқариш лойиҳаси яқиний босқичга етиш арафасида. Тошкент шаҳри ва Қўқонда эса электр скутерлар ишлаб чиқариш тўлиқ ўзлаштирилди. Корейнинг "SK Nexilis" компанияси билан Ўзбекистонда ўта юққа мис фольгасини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш устида музокара-лар давом этмоқда.

## Чўл бағридаги янги мўъжиза

Дунёда яшил иқтисодиётга ўтиш талаби кун сайин ортиб борапти. Бу атроф-муҳит, экология ҳавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бирига айланган. "Uzbekistan GTL" маҳсулотлари эса жаҳондаги энг юқори экологик талаб ва стандартларга тўлиқ жавоб беради. Бу ерда тайёрланадиган синтетик ёқилғи аънавий ёқилғиларга

юқори сифатли ҳамда экологик тоза ёқилғи билан таъминлайди.

Бугун Ўзбекистон, умуман, Марказий Осиё хорижий инвесторларда суюлтирилган синтетик ёқилғи (GTL) ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш бўйича юқори қизиқиш уйғотмоқда. Шу жиҳатдан, "Uzbekistan GTL" заводи юртимизда хорижий инвестициялар ҳажми ўсишига олиб келади. Йирик лойиҳа келгусида мамлакатнинг табиий газни чуқур қайта ишлаш салоҳиятини янада кенгайтиришга хизмат қилади. Завод Ўзбекистоннинг янги саноат марказига айланади.

Умуман, соҳаларда амалга оширилаётган шу каби йирик инвестицион лойиҳалар мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, экспортдаги ўсиш ҳамда миллий маҳсулотларимизнинг халқаро бозорда рақобатбардор бўлишига хизмат қилмоқда.

Шу боис, жорий йилнинг 24-26 март кунлари юртимизда илк бор ўтказилаётган Тошкент халқаро инвестиция форумига катта тайёргарлик қуриляпти. Йирик анжуманда халқаро ташкилотлар ва молиявий тузилмалар, 56 та давлатдан 1 миң 500 нафардан зиёд йирик инвесторлар ва юқори мартабали меҳмонлар қатнашиши кутилмоқда. Олдимизда мамлакатимизнинг халқаро бизнес ҳамжамиятига очилгани намойиш этиш, ҳар бир тармоқ ва худуднинг инвестицион салоҳиятини кўрсатиш, йирик лойиҳаларга илғор технологиялар ва инвестицияларни жалб қилишдек масъулиятли вазифа турбиди. Шу жиҳатдан, халқаро тадбир юртимиз ҳаётида яна бир муҳим воқеага айланади.

## Ирода ТОШМАТОВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири





ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

# СОҒЛОМ РАҚОБАТ, СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ВА МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

## фаолиятимизнинг асосий мезони бўлиб қолади

**Орифжон БОЗОРОВ,**  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори

Бугун юртимизда таълим соҳасини тараққий эттириш, билимли ва кенг дунёқарашга эга авлодни тарбиялаш, сифатли ўқитиш, ёшларни ўз соҳасининг етуқ мутахассиси этиб тайёрлаш жараёнларини ислоҳ қилиш борасида катта ишлар бошлаб юборилди.

Президентимиз шу йил 28 январь куни мактаб таълимини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида таълим соҳасидаги камчилик ва муаммолар ҳақида сўз юритиб, кўплаб вазифаларни ҳам белгилаб берди. “Агар кимда-ким мактаб бу фақат Халқ таълими вазирлигининг иши, деб ўйласа, мутлақо янгилади. Мактаб таълими соҳасидаги ислохотлар ҳоқимлар, илмий ташкилотлар, зиёлилар, кенг жамоатчиликнинг вазифаси бўлиши шарт ва зарур. Шундагина кутилган натижага эришиш мумкин”, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.



институтимизни битираётган, мутахассислик дипломини қўлга олган ҳамма кадр ҳам ўз иш ўрнига эга бўляптими? Амалий кўникмаси қай даражада? Ана шулар ҳақида ўйлаб кўриш вақти келди.

Бу борада дастлабки қадамлар ташланган. Президентимизнинг тегишли қарорига кўра, жорий йил 1 январдан 35 та олий таълим муассасасига молиявий мустақиллик берилди. Хўш, улар нимага эришди? Энди бу олийгоҳлар тўлов-шартнома асосида ўқитиш қийматини, талабаларнинг пул маблағини тўлаш муддатини ўзи белгилайди. Таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни қўллаб оладиган, илмий изланадиган маҳаллий ва хорижий профессор-ўқитувчилар, мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш ҳамда улар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорини мустақил ҳал қилади. Ўз маблағи ҳисобидан талабалар учун стипендия ва грантлар ажратиб каби кўплаб масалалар бўйича мустақил қарор қабул қила олади.

Бу жараён босқичма-босқич давом этади. Энди олий таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат юзага келади. Сон эмас, сифатга эътибор кучаяди. Ҳар бир олий таълим муассасаси ўз жамоасини илмий салоҳияти юқори профессор-ўқитувчилар билан кенгайтиришга ҳаракат қилади. Иқтидорли талабаларнинг рағбатлантириб борилиши бошқа йигит-қизларнинг ҳам билим олишга иштиёқини оширади. Энг муҳими, таълим сифати юксалади.

### Таълим ва ишлаб чиқариш уйғунлашуви

Бугун олий таълим муассасалари ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликни тобора мустаҳкамлаб бориши зарур. Бу, ўз навбатида, кўплаб ўқув қўлланмалар ва

умумтаълим мактаблар ўқитувчилари ҳам борлиги бизни қувонтиради. Масалан, академик лицей ўқитувчилари Ҳабибулло Умиров ва Бекзод Чориев педагогика, Қарши шаҳридаги мактаб муаллимлари Азамат Эралов ва Фахриддин Самаров тарих фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун илмий тадқиқот олиб борапти.

### Соғлом рақобат кучаяди

Таълимни ислоҳ қилиш, аввало, ўзини ислоҳ қилишдан бошланади. Бугун



дарсликларни ана шу корхоналардаги технологиялар, лабораториялар асосида шакллантиришни тақозо қилади. Давр шиддат билан ўзгаряпти. Юртимиз саноати кун сайин ривожланыпти, хориждан янгидан-янги технологиялар кириб келяпти. Биз тайёрлайдиган кадрлар уларни беамал босқар олиши учун ҳам ўқитиш методларимизни фақат назарий эмас, кўпроқ амалий жиҳатдан кучайтиришимиз лозим. Замон билан ҳамқадам бўлимасак, орқада қоламиз.

Тараққиёт стратегиясида олий таълим билан қамров даражасини жорий йилда 38 фоизга, 2026 йилга қадар 50 фоизга етказиш ва таълим сифатини ошириш мақсади ҳам ўз аксини тоган. 2022 йилда қабул параметрлари кадрлар буюртмачилари тақлифлари асосида шакллантирилади. Бунинг натижасида таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси юзага келади, олий таълим муассасалари талабадан келиб чиқиб мутахассис тайёрлайди.

Ишлаб чиқариш, илм-фан ва таълим ўртасидаги интеграцияни чуқурлаштириш мақсадида Қашқадарь вилоятидаги 61 та ишлаб чиқариш корхонаси ва ташкилот билан ўзаро ҳамкорлик шартномалари тузилган. Бу келишувларга муювофиқ, Шўртан газ-кимё мажмуаси, “Uzbekistan GTL”, “Ўзбурғинедф-газ” АЖ, Муборак нефть ва газни қайта ишлаш заводи, “Ўзстандарт” агентлиги Қашқадарь филиали, “Қарши ёғ-экстракция” МЧЖ, “Косон ёғ-экстракция” МЧЖ каби корхона ва ташкилотлардан фойдали энтомафаллардан фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқариш бўлимида 74 нафар мутахассис жалб этилди. Шундан 31 нафари талабаларнинг битирув-малакавий ишлари,

магистрлик диссертацияларига оппонентлик қилади.

Биргина “Uzbekistan GTL” заводи ишга туширилиши муносабати билан Қашқадарь вилоятида таълим кластери очилиши нефть-газ ва кимё саноати корхоналаридаги замонавий лабораторияларда ўқитувчиларимиз ва ёш олимларимизнинг илмий тадқиқот ўтказиши, талабаларнинг амалиёт ўташи учун кенг имконият бўлмоқда.

Яқинда “Uzbekistan GTL” корхонаси олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ишлаб чиқариш ва дипломда амалиётга қабул қилиш учун танлов ўтказди. Танлов доирасидаги саралаш имтиҳонини ўтган ойда якунига етди. Якунда 800 нафар иштирокчидан 102 нафари ушбу корхонада кенгайтирилган амалиёт ўташ имкониятига эга бўлди. Уларнинг 40 нафари, яъни 39 фоизи Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти талабасидир. Амалиётда муваффақиятли қатнашган талабалар жорий йил июль-август ойларида муддатли меҳнат шартномаси асосида ишга қабул қилинади.

### Замонавий ихтисосликлар

Давр талабидан келиб чиқиб, институтимизда йил сайин янги йўналишлар очилмоқда. Масалан, охириги ўн йилда бакалаврият таълим йўналишларида 8 та, магистратура мутахассисликлари бўйича эса 15 та янги йўналиш ташкил этилди. Президентимизнинг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб янги логистика (агрологистика), банк

иши ва аудити, гидротехника қурилиши, сув таъминоти ва канализация тизимларини лойиҳалаштириш ва эксплуатацияси, “Электроника ва асбобсозлик”, нефть-газ қайта ишлаш саноати объектлари бўйича “Био ва иншоотлар қурилиши” таълим йўналишларида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш бўйича касб таълими ҳамда меҳатроника ва робототехника йўналишлари очилди.

Институтда илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш мақсадида 8 та илмий мактаб ташкил этилган, мутахассислик кафедралари ҳузурида 9 та илмий тадқиқот маркази фаолияти йўлга қўйилган. Белгиланган вазифалар ижроси юзасидан “h-index”и 5 ва ундан юқори профессор-ўқитувчилар сони 5 нафардан 16 нафарга ошди.

### Ютуқлар интилишга ундайди

Институтимиз дунёнинг 95 та нуфузли олий таълим муассасаси билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Имзоланган ҳамкорлик шартномалари ва меморандумлар доирасида 2020-2021 ўқув йилида институт профессор-ўқитувчиларидан уч нафари стажировкага, уч тадқиқотчи таянч докторантурага жалб этилди. Европа Иттифоқининг Erasmus+ лойиҳаси бўйича 16 профессор-ўқитувчи ва 15 иқтидорли талаба алмашинув дастурларида иштирок этмоқда.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳридаги Инновацион ўқув ва ишлаб чиқариш технопаркида “Ўзбекистон учун 100 гоё” танловида ўнга яқин талабамиз ўз лойиҳаси билан қатнашиб, диплом ҳамда 3 миллион сўмдан пул мукофоти билан тақдирланди. Шу билан бирга, 2021 йилда Инновацион ривожланиш вазирлигининг илмий фаолиятга оид давлат дастурлари маблағлари доирасида “Бўлажак олим” танловида институтнинг ёш олимлари ва иқтидорли талабалари тақдим этган 3 та стартап лойиҳа ҳамда битта илмий гоё танлов ғолиби деб топилди ва жами 364 миллион сўм миқдорда молиялаштирилди.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларда билим олишга интилиш, инновацион гоёларини юзага чиқаришга иштиёқ жуда юқори. Вазифамиз уларнинг ана шу мақсадини шакллантириш, рўйбга чиқаришдан иборат. Юрғич давр бугун барчамиздан тезкорликни, ташаббускорликни, тadbirkorликни, яъни тadbир билан мулоҳаза юритишни талаб этади. Олийгоҳ илмий тадқиқот маркази ҳамда фақат диплом берадиган таълим маскани эмас, балки салоҳиятли мутахассислари харидордир бўлган кадрлар фабрикасига айланмоғи лозим.

## ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

# СТАРТАП ЛОЙИҲАЛАР

## талабалар бандлигини таъминлашда муҳим омил

**Шавкат ҲАСАНОВ,**  
Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали директори

Шу йил 4 март куни давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ёшлар учун бўш иш ўринлари яратиш, талабалар бандлигини таъминлаш давлат томонидан қўллаб-қувватланиши таъкидланди. Барча давлат ташкилотлари ва муассасаларида талабаларнинг ишлашига рухсат берилди.

Бугун Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиалида 32 нафар бакалавр ва магистрант иш юритувчи, услубчи, кабинет мудири, кутубхоначи, оғборчи каби вазифаларда ишламоқда. Келгуси ўқув йилидан бошлаб филиалда янгидан ташкил этиладиган иш ўринларига талабаларни кенг жалб этган ҳолда, улар сонини 50 нафарга етказиш белгиланди. Қолаверса, филиалда 10 нафар талабадан иборат мавсумий ободонлаштириш гуруҳи ташкил этилган. Уларга қўшимча иш ҳақи тўлаш асосида баҳорги кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилмоқда. Филиалнинг 30 нафар магистран-

ти Германиянинг етакчи ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи корхоналарига иш ҳақи тўланадиган 6 ойлик стажировкага юборилмоқда.

Бундан ташқари, давлат грантлари асосида илмий лойиҳалар гуруҳлари таркибининг камида 40 фозини талабалар ҳисобидан шакллантириш вазифаси ҳам белгиланди.

Ҳозир Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиалида илмий ишланмалар, стартап лойиҳалар билан ишлаш, уларни тегишли соҳаларга жорий қилиш борасида кўплаб самарали ишлар бажарилмоқда. Жумладан,



филиалда 6 та стартап лойиҳа бевосита талабалар раҳбарлиги ҳамда иштирокида амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳаларда 31 нафар ходим фаолият кўрсатиб, шундан талабалар улуши 55 фозини ташкил этади.

Хусусан, Самарқанд вилояти ёшларнинг инновацион гоёлари ва стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш дастурининг иккинчи босқичида битта лойи-

ҳа ғолиб топилиб, 79,2 миллион сўмга молиялаштирилди. Учинчи босқичда филиал профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли талабалари 22 та лойиҳа топширди. Улардан 9 таси ғолиб деб топилди.

Филиал жамоаси топширган мазкур лойиҳаларнинг 5 таси илмий ўрганилган ва ҳозирги долзарб мавзуларни қамраб олгани сабабли экспертлар томонидан маъқулланиб, 640 миллион сўмга молиялаштирилди. Ноанъанавий экинларни кўпайтириш ва қайта ишлашга оид “Антиоксидантларга бой батат уни ишлаб чиқариш”, доривор ҳамда тўйимли озуқабоп экин етиштиришга доир “Амарант — XXI аср ўсимлиги”, сифатли ва органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда фойдали энтомафаллардан фойдаланиш мақсадида “Озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда усимликларни биологик химия қилиш учун фойдали энтомафаллардан фойдаланиш ҳамда экин турига қараб уларни кўпайтириш” каби лойиҳалар шулар жумласидан. Шунингдек, доривор артишок ўсимлигини Самарқанд вилоятида етиштириш



ва қайта ишлашга қаратилган “Fitobar super-power”, бугдой экстрактидан тўйимли ва қувватга бой ичимлик ҳамда кукун ишлаб чиқариш мақсадида “Wheatgrass истеъмол қилинг, саломат бўлинг”, “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турувчи 20 та оиллага ресурстежамкор ва йил давомида фойдаланиш мумкин бўлган ёпиқ майдон қуриб бериш ва бу орқали камбағалликни камайтиришга қаратилган “Инновацион ресурстежамкор кичик ёпиқ майдон” номи стартап лойиҳалар ўрин олган. Ҳозир ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун имконият яратилиб, режалаштирилган ишлар бажарилмоқда.

Самарқанд вилояти ёшларнинг инновацион гоёлари ва стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш дастури жамгармаси

маҳаллий бюджет ҳисобидан 1 миллиард сўм миқдорда шакллантирилган бўлиб, битта лойиҳа учун 270 миллион сўмга ажратилади. Ушбу дастурнинг жорий йил 28 февралга рўйхатдан ўтши белгиланган тўртинчи босқичи учун 198 та стартап лойиҳа топширилиб, филиалнинг профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг ундайи улуши 30 фоз (59 та лойиҳа)ни ташкил қилади.

Келгусида мазкур лойиҳалар орқали яна 50 нафардан ортиқ талабани иш билан банд қилишни ўз олдимишга мақсад қилганамиз. Чунки талаба бўш вақтини бекор ўтказмасдан илм-фанга бағишласа, қўшимча даромад топиши ва жамият ривожига муносиб ҳисса қўшишига ишонамиз.

## НАВРЎ ШУКУҲИ

# КЎКЛАМ кўрк олган диёр

Луқмон БЎРИХОН,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюмси аъзоси

Бошланиши 1-бетда

Инжикланди. Араздан уйилган қош-қабоги тўли-тўли булутларга дўнди ва туйсуқ энтика-энтика йиглаб юборди. Кўз ёшлари шаффоф ёмғирга, обираҳматга айланб замин узра куйилди. Сўнг шошқин шамолларнинг сирли шивирлашларидан чехраси ёришди. Қўёш нурларига қоришиб, хуш-хандон кулиб юборди.

Ошиқ баҳор ошиқона эркаликлар қилиб турган худди шундай фараҳли кунларнинг бирида биз сафарга отландик. Алҳол, юртимизнинг бугунги кўрки-таровати, буюк бунёдкорликка эш қайноқ ҳаёти юракларимизни сирли бир тарзда ўзига чорларди. Сафарга отландик, аммо саросималаниб қолдик: қаёққа борамиз? Юртимизнинг қай бир вилояти, қай бир туманини тилга олсак ҳам юраклар беҳад орқиқиб кетади. Ҳар бирига сайр-саёҳат қилгинг, авжли-мавжли яшаш-янгилиниш жараёнларини ўз кўзинг билан кўргинг келаверади. Охир-оқибат ички бир ундов бу гал бизни Қашқадарё вилоятининг чекка бир тумани томонларга бошлади.

Деҳқонбод деганлари бир пайтлар ориқ отнинг оч биқинидай паст-баланд қиру сай-ҳонликлардан иборат ҳувиллаган худуд эди. Бугун у мўъжизалар маконига айланди-қолди. Қатор йиллардан бери кенг жамоатчилик, хусусан, хорижлик ишбилармон, гапбилармон доираларининг диққат-эътиборидан тушмай келмоқда. Бу заминнинг қимматли қазилмалар захирасига бой экани бот-бот қайд этилган. Не бир юртларнинг не бир фирмалари, компаниялари сармоя киритишга, ҳамкорлик қилишга шай. Деҳқонбод бахшларининг тафсири билан айтганда, майли, улар ҳозирча шайланиб, тамшаниб тураверсин, биз бир зум Деҳқонбодни томоша қилайлик, унинг бугуни ва эртаси ҳақида бир сўз дейлик.

Қарашина ушбу туманнинг ўзига хос маркази ҳисобланади. Бир пайтлар бу ерда икки-уч кўккайган бетон уйдан бошқа кўзга илгалушқ иморат йўқ эди. Бугун Қарашина гавжум, обод шаҳарчага айланган. Қатор-қатор маъшиш-маданний объектлар, ўқув даргоҳлари, шифохоналар кўр тўкиб турибди. Кўча-кўйда, иш, сабоқ масканлариде деҳқонбодликларнинг хуш-хандон табассумлари айлиқасиз. Бу — биз кўрган ижобий ўзгаришлар, ободончиликлар ҳали шунчаки бошланиши, холос. Юртимизда Деҳқонбод каби чекка туман, қишлоқларни ривожлантириш, тараққий эттиришнинг кенг қамровли, босқичма-босқич амалга оширилган дастур-режаси ишлаб чиқилгандан кенг жамоатчилик хабардор.

Сафар давомда обод маҳалларнинг бирида сумалак сайли устидан чиқиб қолдик. Улкан дошқозонда қайнаётган сумалак эътиборимизни тортди. Гўё қозонда баҳор неъматини эмас, орзу-истак, умид ва ишонч туйғуларини қайнаб турарди. Чилдирма чалиб хониш қилаётган ола-сингилларнинг юз-кўзларидеги табассум ҳам худди шу ҳақиқатдан дарак берарди.



Шабдада шитирлайди рўмолим,  
Кундан-кунга барқ уради жамолим.  
Заифа деб камситмангиз, огажон,  
Фабрикадан топдим бахтим, иқболим.

Сир эмас, элда байрамлар бор экан, куй-қўшиқлар бор, лапарлар, алёрлар бор. Асрлардан асрлар, замонлардан замонлар оша халқимиз тилида сайқалланиб, мукаммаллашиб келган кўпгина ашулаларимиз, кўноқ хонишларимиз худди байрамларимиз каби қадимийдир. Биргина Наврўз тантаналарини ва унда янграйдиган халқона куй-қўшиқларини олиб кўрайлик. Бу ижодий мўъжизалар минг-минг йиллар аввал, ўша тош асрларда яратилган бўлса, ажабмас. Уларда табиат ва инсон уйғунлиги куйланади. Борлиққа бўлган шайдолик, Яратгандан тортиқ неъматларга шукроналик тараннум этилади. Инсонни энг олий, энг эзгу амалларга чорлайди, кўнгилларда меҳр-муҳаббат, мардлик, тантилиқ ҳис-

От чопганда гумбурлайди Обдол дараси,  
Тову тошни титратади йигит наъраси.  
Сирдан боқиб баҳо берманг, аё дўстлар,  
Эл ишида билинади мардлар сараси...

Хўжаипоқдан, кўпқари томошасидан қайтар пайтимиз ажабтовур учрашув бўлди. Яшилликка бурканган қир бағрида куй-кўзи боқиб юрган, қорамағиз, сочлари патила болакай ёнида тўхтаб, уни сўхбатга тортдик. Исми Туроб экан. Қишлоғи, ота-онаси ҳақида сўраб-суриштирдик, ўқишлари билан қизиқдик.



— Қишлоқларинг яқинида қандай корхона бор, биласанми?

— Ҳа... калий заводи, — дея жавоб берди Туроб, шунга ҳам билмайсанларми, дегандай юзимизга ажабсиниб тикиларкан.



ларини жўштиради. Кўнгилларга мамнунлик, масрурлик бахш этади. Хўв қир-тепаликлар ортидан заррин нурларини сочиб гўё қари куёшмас, порлоқ истикбол чиқиб келаётганига беихтиёр иқрор бўласиз.

Хўжаипоқ яланглигида кўпқари томошаси авжида. Отлар кишнашидан, чавандозлар ҳай-қирғидан чор-атроф ларзага келади. Ишқи-бозларнинг, хайрихоҳларнинг қийқириғи, жўшқин даъвати завқ-шавққа, сурурга лиммо-лим.

— Тинч-осуда, фаровон юртга байрамлар, тантаналар ярашади, — дейди тумандаги таниқли тадбиркорлардан бири Қутбиддин Бобоев. — Бугундан кўнгли тўқ, эртасидан хотиржам одамгина уйин-кулгига, кўнгилочар томошаларга мойил бўлади. Мана, Деҳқонбод аҳлининг катта қисми бугун Хўжаипоққа кўпқари кўргани чиққан. Солимларга эътибор беринг, голиб чавандозларга катта пул мукофотлари, қўйлар, буқалар тортиқ қилинмоқда. Булар ҳам аслида фаровон турмушимиздан дарак.

Дарҳақиқат, тадбиркорнинг сўзларида жон бор. Туманнинг тўрт томонидан тўкин-сочинлик, барака нафаси уфуради. Яланглиқда от сураётган полвонлар наърасида, кўпқари шайдоларининг серҳаяжон хитобларида ҳам ҳаётдан, толедан мамнунлик ҳислари силқиб туради. Қир бағрида ястаниб, дўмбирасини сайратаётган бахши термаларида юрт мадҳи баланд пардаларда жаранглайди.

— Улғайсанг, сен ҳам шу заводда ишлашни хоҳласанг керак-а... Шундай орзуниг борми?

Туроб аввал илжайди, сўнг ҳеч қутилмаганда кескин баш қайқайди.

— Жўк, Мен бу заводда ишламайман.

Отам, акаларим ишлайди. Мен ўзим завод кураман. Бундан зўриғи кураман!

Болакай биздан уялдими, ё куй-кўзиларидан хавотир олди, ҳарқалай, хайр-маъзурни ҳам насия қилиб, қир томон чопиб кетди. Назаримизда, у шошқин шамолларга қоришиб, юксак хаёллар, овоз орзулар қанотида келажак сари учиб кетгандай бўлди. Биз янги даврнинг янгича таълим-тарбиясини олаётган, ҳур, мусаффо дунёқарашли, истак ва имкониятлари уйғун болакай ортидан ажиб бир ҳисларга чулганган кўйи қараб қолдик.

Мана, сафаримиз ҳам охирига қолди. Лекин биз ширинликка тўймаган боладек тева-ракка ютоқиб қараймиш. Кўнгилларимиз кўк-лам тошқинидан-да тошқинроқ ҳисларга тўла. Замондан ўзиб, келажакни кўзлаб бораётган замондошлар қиёфаси кўз ўнгимизда бот-бот жонланади. Уларнинг ҳаёт фалсафасига лиммо-лим гап-сўзлари қўлоқларимиз остида ажиб бир мусиқадай жаранглайди. Биз кўкларни кўркли фасл деймиш. У аслида кўркини, чиройини бизнинг ҳур ва фаровон диёримиздан олаётган бўлса, ажабмас. Шундай юрт фарзанди эканимиз юракларни ғурурга, фараҳга тўлдирарди.

## МУТОЛАА ЗАВҚИ

## ҚЎЛИНГГА КИТОБ ОЛ!

Ашурали БОЙМУРОД,  
шоир

Боболардан қолган одат бу,  
Илм истар дилга қанот бу,  
Оғир дамда малҳам, нажот бу,  
Нондек азиз, қилмагин увол,  
Қўлингга китоб ол!

Ушбу сатрларни ўқиб, атоқли шоиримиз Ҳамид Олимжоннинг "Қўлингга қурол ол!" шеърини беихтиёр ёдингизга тушиши табиий. Негаки, улкан глобал муаммага айланиб бораётган маънавий таҳдидлар, маънавий хуружлар бизни китоб билан ошно тутунишга ундайди. Аини дамда маънавият фронтининг асосий қуроли китоб экани ҳам шубҳасиз.



Китобнинг аҳамияти, долзарблиги барча замонларда ҳам юқори бўлган. Янги Ўзбекистоннинг янги қиёфасини бунёд этишда, Учинчи Ренессанс пой-деворини яратишда, ҳеч бир шубҳасиз, китобнинг, илму маърифатнинг роли катта. Президентимиз илгари сурган беш ташаббус доирасида ҳам китоб-хонликка катта эътибор қаратилаётгани тахминга сазовор. Китоб қарвонлари йўлга чиққач, мамлакатимизнинг энг чекка қишлоқ ва овулларига ҳам маърифат зиёси кириб кела бошлади. Ёшлар ўртасида "Ёш китобхон" танловини оммавий тус олди.

Дунёнинг ҳеч бир мамлакатиде йўлга қўйилмаган мазкур танлов қалбларни мунаваар айлаб, ёшларга маънавий куч, қанот бағишлармоқда. Мамлакатимизда китобхонлик маданияти кенг тус олиб бормоқда.

Тошкент вилоятининг Бўка тумани аллақачон эл оғизга тушиб улгурди. Ташаббус доирасида Президентимиз совғаси сифатида бўқалиқларга ўн минг донага яқин китоб совға қилинди. Бўка мактабларида кўплаб китоб акциялари ўтказилиши кутубхоналарни янада бойитди. "Мен мактабимга китоб совға қиламан" ташаббуси доирасида 4850 та, ҳомилар томонидан эса 5100 та китоб совға қилинди.

Туманнинг жажжи фазилат Фазилат Ёқубовага шахсий кутубхона очиб берилиши, назаримда, Париж ва Лондондаги, Санкт-Петербургдаги машҳур кутубхоналарга элтувчи кичик бир йўлакча бўлди, десам аини ҳақиқатдир. Аини кунларда худуддаги "Бўка" маҳалласида катта ҳажмдаги ободончилик, бунёдкорлик ишлари олиб борилаётгани эса инсон қадрини улуғлаш, маънавий эҳтиёжини қондириш йўлидаги улкан ҳодисалардан бирига айланган.

Китобга эътибор, китобхонлик маданияти кун сайин, уоат сайин усиб бораяпти. Ўзбекистон Ёзувчилар соҳаси томонидан ҳам жойларга кўплаб китоблар етказиб берилаётгани китобхонларни ниҳоятда қувонтирмоқда. Кунга кеча Қашқадарё вилояти кутубхоналари ва Абдулла Орипов номидаги ижод мактабига 500 донга китоб ҳада этилди. Демак, ҳар бир ўқушга, чекка-чекка худудларга ҳам маърифат нури кириб бораяпти. Бу қандай яхши! Зеро, бу юртда барчага китоб керак. Кўнгилларни мунаваар этмоқ учун ҳам китоб керак. Севимли шоиримиз Маҳмуд Тоир ёзгандек:

Китоб — дил боғида гулнинг рангидир,  
Китоб — аташ ичра дилнинг рангидир,  
У қалбнинг камол, ақл жангидир,  
Кўнги кўзлаганга китоб керакдир,  
Уни излаганга китоб керакдир.

Сўзимиз аввалида таъкидланганидек, қўлга китоб олмоқ фазилатли юмушга айланиб, миллатнинг маърифий салоҳиятини намоён этмоғи зарур. Зотан, янги Ўзбекистоннинг янги қиёфасини, энг аввало, унинг маънавий олами белгилайди. Шундай экан, қўлга китоб олайлик!

Майли, бўлсин Авесто, Қуръон,  
Мудроқ босма, болажон, уйғон.  
Ҳақ йўлини кўрсатар ҳар он,  
Агар сўзим келмаса малол,  
Қўлингга китоб ол!

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока"  
газеталари таҳририяти" ДУК

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма — 739  
88930 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоиси келишилган нарҳда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.  
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.  
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Манзилимиз:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ў.А. яқини — 23:05 Топширилди — 23:45